

Жаҳон тарихи одамзод ўзи яшаб турган маконида кўп микдорда ёвузлик, жиной харакатлар ижод этганига шохиддир.

Француз олими Лайнус Полинга ўзининг "Хеч кандай уруш бўлмасин" номли асарида ер юзида кейинги 5,5 минг йил давомида 14500 та катта ва кичик урушлар бўлиб, уларда 4 миллиардга якин одам халок бўлган, бу бундан бир неча ўн йил олдин ер куррасида яшаётган одамлар микдорига тенгдир», деб ёзган эди.

Харбий харакатлар юз бериши ва юз бермаслигидан катъи назар турли мамлакатларнинг у ёки бу худудида котилликлар, портлашлар, ёнгинлар, захарланишлар, одамларни ўтиллаш ва бошка харакатлар юз берган ва хозирда хам содир бўлмоқда.

Октябр тўнтариши окибатида Туркистонда зўрлик билан ўрнатилган мустамлакачи Советлар тузуми биринчи кундан бошлаб халқдаримиз бошига сон-саноксиз киргинар, даҳшатли ва аламли кулфатлар олиб келди. Бу даҳшатли режимни ўлкамиз халклари кабул килмадилар. Улар истикдол учун, эрк ва миллий-озодлик учун 16 йил мобайнида куролли кураш олиб бордилар. Бу кураш давомида, айrim хориждаги муаррихлар хисобича, 1 миллион 900 минг ватандошимиз Туркистондан бош олиб, хорижий мамлакатларга чишиб кетди ва 1 миллион 700 минг юртдошимиз Сибирга, Узок Шимолга, Украинага, Шимолий Кавказга, Уралга, Козогистонга, Узок Шаркка, Кавказга, Волгабўйи районларига бадарга килинди.

Россия Федерацияси марказий телевиденияси "Культура" канали 2007 йил 4 июлда "Расстрельные списки Сталина" номли кўрсатув берди. Уни тарих фанлари доктори Н. Петров, тарихчи А. Виноградов олиб бордилар. Унда «катта террор»нинг 1937 йил 30 июлдан бошланиб 1938 йил ноябрига кадар давом этганлиги айтиб ўтилган. Шу вакт ичida 1,5 миллион киши камокка олинган, шундан 700 минги отиб юборилган. "Катта террор"нинг қахрли тиги жамият аъзоларининг барча тоифаларини ўз домига тортган. Айникса, "катта террор"дан ахолининг куйи табакасидагилар кўп жабр-зулм кўрганлар.

НКВДнинг 00486-сонли буйруги бўйича 1938-1946 йилларда Карагандадаги "Алжир" (Ақмолинский лагерь жён изменников родины) лагерида "Ватан хоинларининг оила аъзолари"дан 6500 аёл жазони ўтаган. Халк душмани тамгаси билан катагон

Муаллиф:
08.09.2013 12:52 -

бўлганларнинг фарзандлари махсус болалар муассасаларида сакланган. 1937 йил 15 августдан 1939 йил январигача Иттифок бўйича 25342 бола оиласидан ажратиб олинган, улардан 22427 нафари Халк маорифи комиссарлиги худудидаги болалар уйларига ва махаллий bogчаларга таркатиб юборилган, шундан 1909 нафари Москвада бўлган, 2915 нафари бошкаларга бокиш учун оилаларга кайтариб берилган. Бу болаларнинг ёши 15 гача бўлган. Ёши 15 дан юкорида бўлган болалар "ижтимоий хавфли" хисобланиб, камокка олинган ва хукм килинган.

Караганда лагеридаги махбус аёллар жазо муддатини ўтаётганларида 1507 нафар фарзанд кўрганлар, бу болалар кўпинча севги асосида эмас, зўрлик асосвда дунёга келгандар.

Мудхиш воеалар 1937 йил июлдан бошланиб, 1938 йил ноябргача давом этган. Шу вакт ичида совет империяси бўйича бир ярим миллион киши камокка олинган, шундан етти юз минги отилган. Ўзбекистонда эса 1937 йил 10 августдан 1938 йил 1 январгача ўн минг етти юз киши камокка олинган. Булардан уч минг олти юз ўн уч киши отилди, етти минг саксон етти киши саккиз-ўн йил муддатга камокка ташланди.

Ўша йиллари ахолининг барча катламлари катагон гирдобига тушган. Катагон аввало, зиёлилар, дин хизматчилари карши каратилган эди.

Факат 1937 йил декабр ойида "учлик" карори билан хукм килинган уч минг олти юз кирк тўрт кишидан бир минг тўрт юз олтмиш тўрт нафари имом, эшон, мулла ва бошка диний хизматчи бўлган. 1938 йилнинг февралида "учлик" йигилишларида 2491 махбус устидан хукм чикарилган, шундан 2086 махбус отувга, 398 махбус ўн йил муддатга, икки махбус саккиз йил муддатга камок жазосига хукм килинган. Тўрт махбус тергов вактида вафот этган, бир кишигина озод этилган. Улар асосан ўзига тўк дехконлар, ишчи-хизматчилар, 153 нафари уламолар, 72 нафари собик савдогарлар бўлган.

Катагон килинган юртдош уламоларнинг кисматига дойр айrim маълумотларни келтирмоқдамиз:

Абдурахмон Бердиалиев (1888 или Андижан округи, Баликчи тумани, Тумор кишлогида тугилган, имом, хибсга олинган вактда колхозчи) — босмачилик ва бошка аксил-инкилобий харакатларда катнашган, колхоз тузумига карши таргибот олиб борган деган тухмат билан "учлик" томонидан 1938 йил 9 февралда отувга хукм килинган.

Ашур Солиев (Бухоро округи Шофиркон тумани, Килмакон кишлогида 1903 шли тугилган, олим, хибсга олинган вактда колхозчи) — миллатчи, аксилик инкилобий ташкилот аъзоси сифатида колхозчилар орасида совет хокимиятига карши норозилик уйготган, деган сохта айблов билан "учлик"нинг 1938 йил 7 февралдаги карори билан отувга хукм килинган. Хайдар Хазраткулов (1868 или хозирги Жиззах вилояти Жиззах тумани Етимтак кишлогида тугилган, дин хизматчиси, имом)

Муаллиф:
08.09.2013 12:52 -

— аксилинкилобий миллатчи ташкилот аъзоси, ахоли орасида колхозга карши таргигот олиб борган, деган уйдирма билан "учлик" -нинг 1938 йил 9 феврал карорига кўра ўн йил меҳнат-тузатиш лагерига хукм килинган.

Абдулла Бойкотов (1888 йили хозирги Наманган шахрида тугилган, дин хизматчиси, эшон, хибсга олинган вактда ишсиз) — аксилинкилобий гурух аъзоси, совет хокимиятига карши куролли харакатларда катнашган, халк душманларини кўллаб-кувватлаган, деган тухмат билан "учлик" карорига кўра 1938 йил 9 февралда отувга хукм этилган.

Нажмиддин Иномов (1882 йили хозирги Наманган вилояти Наманган туманы Шўркўргон кишлогида тугилган, дин хизматчиси, имом, хибсга олинган вактда ишсиз) — ахоли орасида аксилинкилобий ташвикот олиб борган, колхозчиларни совет хокимиятига карши чикишга таргиги этган, деган бўхтонлар билан, "учлик" карорига кўра 1938 йил 9 февралда отувга хукм килинган.

Соат Турдиев (1890 йили Сурхондарё округи Бойсун тумани Пулхаким кишлогида тугилган, имом, хибсга олинган вактда колхозчи) — аксилинкилобий гурух раҳбари, ноконуний йигинларда иштирок этган, колхозларни таркатиб юборишга, куролли харакатларга таргиги килган, деган уйдирма билан "учлик" 1938 йил 4 февралда отувга хукм килган.

Иброҳим Мукимов (1873 йили Сурхондарё округи Бойсун тумани Кумбулук кишлогида тугилган, имом, хибсга олинган вактда ишсиз)

— миллатчи, совет хокимиятига карши куролли харакатларни уюштириш сохта айлови билан айблаб, "учлик" 1938 йил 4 февралда отувга хукм килган.

Алихўжа Примбетов (1888 йили Тошкент вилояти Чирчик тумани Кас кишлогида тугилган, имом) — ахоли орасида доимий равища миш-мишлар таркатган, коммунистларни ёмонлаган деган тухмат билан "учлик" 1938 йил 14 февралда отувга, мол-мулкини мусодара этишга хукм килган.

Али Махсум Содиков (1900 йили Кўра-калпогистон АССР Кипчок тумани 5-овулида тугилган, дин хизматчиси) — ноконуний йигинларда иштирок этган, бундай харакатларни кўллаб-кувватлаган, халк орасида колхозчиларга карши ташвикотлар

Муаллиф:
08.09.2013 12:52 -

олиб борган, деган тухмат билан айбланиб, 1938 йил 7 февралда отувга хукм килинган.

Мамут Юсупов (1885 йили Коракалпогистон АССР Кипчок тумани 5-овулда тугилган, савдогар, дин хизматчisi, имом) — аксил-инкилобий диний гурух аъзоси, ноконуний йигинлар ташкил этиб, ахоли орасида советларга карши таргибот олиб борган, деган тухмат билан "учлик" 1938 йил 7 февралда отувга хукм килган.

Муса Исаев (1900 йили Хоразм округи Хива шахрида тугилган, имом, хибсга олинган вактда колхозчи) — аксиликандарий диний гурух аъзоси, ноконуний йигинлар ташкил этган, ахоли орасида аксиликандарий ташвикот олиб борган, деган уйдирма билан айбланиб, "учлик" карорига кўра 1938 йил 10 февралда отувга хукм килинган.

Худойберган Абдалов (1896 йили Хоразм округи Хива тумани Молотов кишлок советида тугилган, имом, хибсга олинган вактда колхозчи) — аксиликандарий диний гурух аъзоси, ноконуний йигинларда иштирок этган, аксил-инкилобий маглубиятчилик ташвикотларини олиб борган, деган уйдирма билан 1938 йил 10 февралда отувга хукм килинган.

Бу ўринда бор-йўги ўн икки нафар катагон курбони хакида киска маълумотларни келтирдик. Уларнинг барчаси кейинчалик айби йўклиги учун окланган.

Рустамбек Шамсутдиновнинг "Катагон курбонлари" китоби асосида тайёрланди